



Қишлоқ хўжалиги: таъминотдаги ислохотлар

# Вақт тежалмоқда, асаблар жойида

ЭНГ МУҲИМИ, МАҲСУЛОТ БУС-БУТУН



**Бугунги кунда собиқ колхоз, совхоз, бирлашмалар ўрнида фермер хўжаликлари иш юритмоқда. Ном ва мақом ўзгарди. Хўш, бундан нима ютқазилди?**

очилиб кетарди. Натихада пазатор ва галлазорларнинг катта қисмига ўғит фақат қоғоздагина «сепаб» чиқарилди.

Эндиликда аҳвол бутунлай ўзгарди. Фермер бир ҳовуч ўғитни бирова бергиси келармикин? У ҳақ қаерда, гап қаерда эканлигини тобора яхшироқ англамоқда. У бугун минг сўмга сотган ўғити эртага миллион сўм зарар келтиришини тушуниб етди. Сирдарё вилоятининг кўп қисми тўртинчи асос минерал ўғитлар сакланадиган кичик шохобчалар пайдо бўлди. Ўғит керами, марҳамат, пулини тўланг-у, далагизга ташиб кетаверинг. Мана шундай янгилик

«Гулистоннефть» унитар корхонасида ҳам юз берди. Бугунги кунда Сайхун-обод, Сирдарё, Бойвут ва Гулистон туманларида унинг кўплаб кичик корхоналари ишлаб турибди. Биз ана шу корхоналарнинг бирида бўлдик.

— Гулистонга қатнайверганимиздан этгимизнинг товони пивэ пўсти бўлиб кетарди, — дейди Мирзаобод туманидаги «Яшин» фермер хўжалигини раҳбари Абдимўмин Таниев. — Негаки, бир тонна солярка учун ҳафтаўн кунлаб Гулистонда умримиз ўтарди. Узимизда мана шу корхона очилди-ю, жонимиз кириб қолди. Шу қулайлиқни яратиб берган раҳбарларга раҳмат. Айтилик, бугун юз литр маҳсулот керак. «Гир» этиб келамиз-у, олиб кетамиз. Биламизки, эртага ҳам бу ердан

қуруқ қайтмаймиз. Кичик корхонада ҳамша маҳсулот тайёр туради-да. Шу тумандаги «Жўрабек» фермер хўжалиги раҳбари Корамилжон Мавлонов сўбатга қўшилди.

— Абдимўмин ака тўғри гапни айтаяпти, — деди у. — Фермер ёнилғисиз бир қадам ҳам юра олмайдими. Илгари шаҳарга қатнаб, баъзи раҳбарларнинг қош-қовоғига қараб умримиз ўтарди. «Эртага келинг, индинга келинг» қабилдаги бахоналарнинг охири кўринмасди. Менинг 37 гектар ерим бор. Шунинг 8 гектарида галла экканам. Бугунги кунгача ниҳолларни икки марта ўғитладим. 29 гектар майдонга эса пушта тортилиб, чўғит экишга шай қилиб қўйилган. Ана энди ўзингиз айтинг: шарт-шарит бўлмаса, мана шу ишларни ўз вақ-

тида бажара олармидик? Шарт-шарит бор экан, биз вақтдан ютапмиз. Асабларимиз ҳам жойида. Энг муҳими, дала ишлари учун лозим бўлган ёнилғини ўз вақтида ола-япмиз.

Бу кичик корхона Мирзаобод туманидаги 144 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатмоқда. 60 тонна солярка, негрөл, вертёнка, автол ва бошқа ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари мавжуд.

— Биз кечаю кундуз ишлаяпмиз. Шудгорлаш, чўғит экиш, галла ўриши ва пахта йигим-терими мавсумларида транспорт воситаларимиз ёрдамида маҳсулотни тўғридан-тўғри фермерларнинг даласига олиб бориб тарқатамиз, — дейди кичик корхона раҳбари Орзукул Бойқулов. — Мақсад бит-

та: деҳқонларга имкони борича қулайлик яратиш. Бўнак пулларини бошқа мақсадларга ишлатган, банкдаги ҳисоб рақамида маблағи йўқ фермерларга маҳсулот берилмайди. Ернинг умрини ўтказаятган, ишнинг кўзини билмайдиган кишилар бошқа касбнинг этагини тутганлари маъқул...

Ишни янгилаш ташкил этиши, кичик корхоналар очиш туйғали «Гулистоннефть» унитар корхонаси ўтган йили 18,8 минг тонна дизель ёнилғисини, 4 минг тоннадан кўпроқ автобензин ва 536 тонна бошқа ёнилғи мойлаш материалларини тежаб қолди. Мана шу рақамлар бугунги кун тадбиркори, бугунги кун раҳбари қандай иш юритиши лозимлигини яққол кўрсатиб турибди. Талон-торожликка йўл қўймасдан ҳам, вилотда ўтган йили пахта ва галладан нисбатан кўп даромад олинди. Бошлардан катта ишнинг самараси бу йил янада юқори бўлиши, шубҳасиздир.

**Аликул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: кичик корхонанинг умумий кўриниши.**

## ХАТЛАР сўзлайди

Халқимиз лугат бойлигида шундай ҳикматли иборалар борки, уларнинг маъноси бамисоли олмос қирраларидек турфа кўринишда товланади. Ўзбекининг бағри кенглиги, очик кўнгиллиги каби хислатларни ифода этган «Барака топгур» деган калом ана шундай сөхрли сўзидир.

### Бир калом сөхри

Яхши ишларни амалга оширган инсон меҳнатига баҳо берилганда шу ибора тилга олинади. Кўнглига эзулигани жойлаган одам кимдиган мурувват кўрсатса, айтилган дуоларга шу тилак қўшилади. Баян бирон юртдошимизнинг хатти-ҳаракати ноҳиош чиқсаю, уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлсақ ҳам эзгу ниятини ифода қиламиз. Мен, айниқса, бу ибора давлатимиз раҳбари томонидан айтилганда яйраб кетаман. Йўлбошимиз бутун элу юртга, Ватанимизга барака тилаш бу сўзни айтиладур.

Гап бойлик ва ноз-неъматнинг мўл-қўллигида эмас, унинг барақисиди. Барака эса меҳр жойлашган дилларда, аймон-эътиқодга мунаввар кўнглиларда бўлади. Она Ўзбекистонимизни кут-барака тарқ этмасин. Шу гўзал юрт фарзандлари барака топишаверсин.

**Ортак ҚИЛИЧЕВ, Нишон тумани.**

Биз, «Оқ-ёр» қишлоғи ёшлари, спортни жуда севаемиз. Қишлоғимиздаги мактаб ҳовлисида футбол ўйнашимизни айтмаса, спортнинг бошқа турлари билан шуғулланишга имкон йўқ.

### Шароит йўқ

Ёгингарчилик бўлиб қолса, бундан ҳам маҳрумимиз. Аммо «катталар» бизнинг бу муаммомизга соғуқчилик билан қарашмоқда. Кўмак зарур бўлгани учун сизларга мурожаат қиляпмиз.

**Н.ҚОРАХУЖАЕВ ва бошқалар, Андижон тумани.**

Маълумки, кундалик ҳаётимизда сут маҳсулотларига эҳтиёж катта. Шу боис унинг мўл бўлишига барча бирдек масъуллик ҳис этиши лозим. Аммо...

### Шакарнинг ози ширин

Бизда асосан уч ой — август, сентябрь, октябрь ойлари тўй мавсуми ҳисобланади. Бу даврда авжи туғиш ёшларига эътибор, соғлом жониворларни сўйиш одат тусига кирган. Бир мавсумда қанча тўй бўлишини тахминан чамаласак, сўйилган жониворлар сони кишини ўйлантиради. Агар шу ҳолат давом этверса, охирикитат нима бўларкин?

**Р.ТОШМАТОВ, Марғилон шаҳри.**

Бундан тўрт-беш ой аввал опам билан кетаётганимда машина уриб кетиб, ҳўшимни йўқотдим. Опамнинг айтишича, ўша машина оқ рангли «Дамас» бўлган.

### Ўзгалар касрига қолиб...

Анча вақт шифохонада даволандим. Бироқ бу давр ичида «Дамас» ҳайдовчисидан дарак ҳам бўлгани йўқ, Хуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ҳодимлари эса бу масалага бирор ойдинлик киритишмади. Хали мактабни ҳам тамомламаган ёш бир қизча — мен ўзгалар касрини деб ногирон бўлиб қолавераманми?

**Салтанат САРИМСОҚОВА, Пастдаргом тумани.**

### Қурилиш:

# Пудрат ишлари бозори

Андижондаги «3-қурилиш-монтаж бошқармаси» очик турдаги акциядорлик жамияти шаҳардаги миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи биносини таъмирлаш ишларини амалга оширган эди. Яқунда объектга сарфланган 8 турдаги қурилиш материаллари микдори орттириб кўрсатилди. Бунинг авазига буюртмачидан қўшимча 536 минг сўмдан зиёд маблағ ундирилди. Бундан ташқари, қурилиш материалларининг бир қисми ишлаб чиқарувчи корхоналардан эмас, балки воситачилардан харид қилиниши тўғрисида 150 минг сўм миқдорда ортиқча маблағ ишлатиб юборилди.

Бундай камчиликларга бошқа қурилиш ташкилотларида ҳам йўл қўйилмоқда. Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил яқунларига бағишланган йиғилишида тўғри танқид қилинганидек, умуман, қурилишда ханузга қадар пудрат ва лойиҳа ишларининг самарали бозори яратилмаган, қурилиш сифати паст, смета қиймати эса сунъий равишда ошириб юборилмоқда. Ваҳоланки, Президентнинг 2003 йил 6 майдаги «Капитал қурилишида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»-ги Фармони ва тегишли ҳўкumat қарорларида бундай камчиликларга барҳам бериш мақсадида пудрат ишлари бозорини ташкил этиш вазифаси белгиланган эди. Бу бозор тизимида лойиҳа, смета ва технология интизомини мустаҳкамлашдан ташқари иншоотларни ҳам арзон, ҳам сифатли барпо этиш имконини берар, қурилиш ташкилотларида рақобатни вужудга келтирарди.

Шулардан келиб чиқиб, вилоят мутасаддилари ўтган давр мобайнида пудрат қурилиш ташкилотлари ўртасида 55 та танлов савдоси ўтказилди. Шундан 42 таси янги қуриладиган ва қайта таъмирланадиган объектлар, 6 таси қурилиш материаллари ва жиҳозларни сотиб олиш, 7 таси эса лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича ташкил этилди. Уларда 253 та талабгор қатнашди. Қизғин шундаки, талабгорларнинг 93 таси ёки 37 фоизи ҳиссасдорлик жамияти, 160 таси ёки 63 фоизи хусусий қурилиш ташкилоти эди.

Ачинарлиси, смета қийматининг сунъий равишда оширилиши оқибатида жами 957 минг сўмдан зиёд бюджет маблағи буюртмачи гарданга тушди. Устига устак, қурилишга ажратилган маблағнинг 150 минг сўми аудиторлик хизмати, 100 минг сўми юридик хизматлар учун ўтказилганига нима дейсиз?

Натихада Андижон шаҳридаги қурилиш техникуми негизда 900 ўқувчига мўлжалланган, 100 ўрилли ётоқхонага эга бўлган қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежини таъмирлаш бўйича танлов савдосида «бунёдкор» хусусий корхонаси гўлиб чиқди.

Яна бир далил. Буюртмачилар танлов комиссиясига бошлангич нархи 13.617,3 миллион сўмлик объектлар рўйхатини тақдим этган эди, танлов савдоси гўлиблари эса 12, 911,2 миллион сўмлик хизмат юзасидан тақлиф билдирди. Пировардида 706,088 миллион сўм маблағ тежаб қолинди.

Буларни қўя турайлик, қўлгина ишлар қўл учиди, сифатсиз бажарилгани билан асло мураса қилиб бўлмайди. Масалан, ўқув ва ётоқхона биналари полларининг бўёқлари орадан ҳеч қанча ўтмай қўчиб кетди. Ошхонага совутгич, электр иситгич, идиш-товолқларни ювиш ваннаси, қозонхона, стол-стул каби жиҳозлар умуман ўрнатилмади. Иситиш тармоғини улашда меъёр бузилган бўлса, электр тармоғи монтаж қилинди-ю, аммо синовдан ўтказилмади. Қурилишда ишлатилган металл конструкциялари, асбест қувурлар, кум, шағал, оҳақ, қора қоғоз, электр жиҳозларининг сифатини тасдиқловчи сертификатлар ҳам йўқлиги кейинчалик ошкор бўлди.

Текширишлар шунини кўрсатдики, бунга сабаб мазкур жамиятда моддий ресурслар ва маблағлардан ҳўжасизларча фойдаланиш, уларни сунъий равишда қўлиш ва қўзғабунчиликка йўл қўйилган.

Айни чоғда баъзи пудрат қурилиш ташкилотларида айланма маблағ етишмай қолаётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Уларнинг техника ва ускуналари эскирганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шу маънода, Вазирилар Маҳкамаси йиғилишида уларга кредит беришининг бозор механизмининг ишлаб чиқиш босқисиди топшириб берилгани айтилди. Бу, ўз навбатида, қурилишда пудрат ишлари бозорини янада такомиллаштиради.

# Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

(Давоми. Боши 1-бетда).

каси Конституциясига мувофиқ инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Тергов олиб боришда руҳсат этилмаган услубларни қўллаш, жисмоний ва руҳий зўрлик ишлатиш энг оғир жиноят тарихида катъий жиноий ҳазага сазовор. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон 1995 йил 31 августда «БМТнинг қийноқларга солишга ва муолажада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шартсиз, гайрининсоний ёки қадр-қимматни таҳдирлов-

чи турларига қарши конвенция»га қўшилиб, ўз зиммасига олган мажбуриятларни сўзсиз бажариб келмоқда.

Идораларо ишчи гуруҳининг мажлисида БМТнинг юқоридида кўрсатилган Конвенциясини бажариш бўйича республика ҳўкумати томонидан 2004 йил 9 мартда тасдиқланган тадбирлар режаси ижро учун қабул қилинди.

Фермер хўжаликлари ҳам қиш. «Хўжаликнинг асосий таянчи ҳисобланади. Уларнинг муваффақиятли фаолияти аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондирибгина қолмай, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оштиради.

Фермер хўжаликлари эришадиган ютуқларнинг асосий омилли уларнинг моддий манфаатдорлигидадир. Хозирги кунда мамлакатимизда фермер хўжаликларининг фаолият юритиши учун барча шарт-шаритлар ва конуний асос яратилган.

Акциядорлик-тижорат «Тадбиркорбанк»и ҳам ислотларнинг бевосита иштирокчиси сифатида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг кредит ресурсларига бўлган



Бугунги кунда аҳолининг парранда гўшти ва туҳумга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим масалалардан бирига айланган. Негаки, сўнгги йилларда бу соҳа анча оқсаб қолган. Бу борада Самарқанд туманида ибратли ишлар қилинмоқда. Тумандаги «Оҳалик Ломан парранда» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлаётган, ишлар анча жонланди.

— Ломан товуқлари йилига 270-305 донагача туҳум беради, — дейди қўшма корхона раҳбари Икром Раҳматов. — Бу зотдаги товуқлар бир йил туҳум беради, гўшта топширилади.

Айни пайтда қўшма корхона етиштиряётган парранда гўшти ва туҳум маҳсулотлари нафақат Самарқандга, балки қўшни Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ҳамда Фарғона vodiysига ҳам жўнатишмоқда.

СУРАТДА: «Оҳалик Ломан парранда» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасига қарашли шўба корхона раҳбари Тофик Мехтиева ва ишчи Гулчиҳра Нурмухаммедова.

**Тоҳир НОРКУЛОВ (Ўза) олган сурат.**

Республикамизда кичик бизнес ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг кенг фаолият юритиши учун шарт-шарит яратиш босқисиди ислохотлар олиб боришмоқда. Чунки кичик бизнес субъектлари чинакамга самарали мулкдорлар бўлиб, улар ўз ишлаб чиқаришларида замонавий технологиялар ва молия оқимларини бошқаришнинг илғор усулларини жорий этишга жуда мойилдирлар. Мамлакатимизда янги ички маҳсулотда уларнинг ҳиссаси йил сайин ортиб бораётгани шундан далалат бериб турибди.

Фермер хўжаликлари ҳам қиш. «Хўжаликнинг асосий таянчи ҳисобланади. Уларнинг муваффақиятли фаолияти аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондирибгина қолмай, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оштиради.

Фермер хўжаликлари эришадиган ютуқларнинг асосий омилли уларнинг моддий манфаатдорлигидадир. Хозирги кунда мамлакатимизда фермер хўжаликларининг фаолият юритиши учун барча шарт-шаритлар ва конуний асос яратилган.

Акциядорлик-тижорат «Тадбиркорбанк»и ҳам ислотларнинг бевосита иштирокчиси сифатида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг кредит ресурсларига бўлган

# Муаммолар

талабини қондириш мақсадида кредитлар ажратиб келмоқда.

Фермер ва ширкат хўжаликлари моддий-техник базасини шакллантириш мақсадида бугунги кунда энг маъқул кредит ҳисобланган лизинг кредитларини жорий қилганмиз. Утган даврда 246 та хўжаликка 1220 млн. сўм миқдорда лизинг кредитлари ажратилди.

Аммо аксарият фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати техника харид қилиш учун зарур бўлган катта миқдордаги маблағга эмас. Бундай фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун банк умумий фойдаланиш тартибиди лизинг кредити ажратишни ишлаб чиқмоқда.

Ҳўкуматимиз томонидан ишлаб чиқилган фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастуридан келиб чиққан ҳолда, фермер хўжаликлари имтиёзли ва тижорат кредитлари олишлари учун тақдим этиладиган ликвид мол-мулки бўлмаган тақдирда, ижарага олинган мавжуд ёр участкаларини таъминот сифатида қабул қилишни йўлга қўйиш ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар яратарди.

Банкнинг асосий даромад манбаи унинг кредит фойдаланиш бўлгани сабабли, банк кредитлаш миқдорининг ошишидан ҳар томонлама манфаатдор бўлади. Лекин берилган кредит миқдори-

нинг ошиши билан мутаносиб равишда уни қайтариш таваккалчилиги ҳам ортиб боради. Банк эса кредитнинг қайтмаслик хатарини қамайтириш мақсадида таъминот сифатида ликвид таъминот бўлишига ҳаракат қилади.

Банк аслида кредитини унинг таъминоти ҳисобига ёпиш нуқтани назардан кўриб берайди, балки кредит берилётган корхонанинг фаолияти ривожланиши мақсад қилиб қўяди.

Кредит беришда миқдорнинг уни қайтаришга лавқалилигини аниқлаш кредит механизмининг асосий унсурли ҳисобланади. Кредитлаш жараёни қарз олувчи томонидан шартнома бажарилишининг бажарилишига ва белгиланган муддатда кредитнинг тўлиқ қайтарилишига каби қўлгина хатарлар билан боғлиқ.

Ақсарият миқозлар кредит олиш мақсадида банкка тақдим этиладиган бизнес-режаларини ўз ишлаб чиқариш жараёнини тўғри таҳлил қилмай, имкониятларига ҳаққоний баҳо бермай қўяди. Банк кредитлаш жараёнида қабул қилиниши кўрсатилган пул оқимининг таъминланишини талаб қилиши, қўлаверса, кредиторлар ва акционерлари хавф-хатарини ҳимоялайди.

Банк кредитнинг тўлиқ даври мобайнида миқдорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиб бориши, ми-

жоз эса ўз зиммасига олган мажбуриятларни нечоғли ижро этилганлигини намоён қилиш билан бирга, банк хатарини қисқартиради. Ушбу хатар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида миқдорнинг кредитни қайтаришга лавқалилиги тўлиқ таҳлил қилиниши шарт. Бундан қарз олувчи тулов қобилияти унинг молиявий имкониятлари, фойда ва зарарлари ҳамда келажакда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни пухта таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Олинаятган кредитнинг қайтарилиш хатарининг олдини олишнинг яна бир омилли — бу кредит таъминотининг тўғри таҳлил қилинишидир.

Бугунги кунда кенг тарқалган учинчи шахс қабиллигининг тақдим қилинишида нафақат миқдорнинг, балки кафилилик беришчи тақдирнинг ҳам молиявий ҳолатини таҳлилдан ўтказиш талаб этилади. Амалдаги тартиб бўйича кафилилик шартномаси тақдим этилишида аудиторлик ташкилоти ёки аудиторлик қабиллигининг қондирили молиявий ҳолатини таҳлил қилиниши талаб этилади. Аслида банк зарурят тўғрисида статистик маълумотларни талаб этишга мажбур бўлади.

Банк томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида ўрнатилган доимий мониторинг карддорининг ўз лойиҳасини ва кредит шартномаси шартларини амалга оширишида хар томонлама қўлама беради. Мониторинг жараёнида миқдорнинг молия-ҳўжалик фаолияти, тузилган шартномалар асосида маҳсулот ет-



# 2004 — Мехр ва мурувват йили

# Тоабад ёпилмайдиған эшик


Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 31-маҳсус меҳрибонлик уйида 160 нафар бола тарбияланмоқда. Айтиш жоизки, ўндан зиёд миллат вакиллари камол топаётган ушбу маскан сароватли, мурувватпеша юртдошларимиз эътиборидан четда эмас. Тошкент шаҳар ҳамда туман ҳокимлиги, турли ташкилот ва корхоналар, жамоатчилик вакиллари кўрсатаётган ҳиммат болажонлар кўнглида илқикли уйғотмоқда, деб айтиш мумкин. Бу борада Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти жамоасининг ибратли ишлари тахсинга лойиқ. Меҳрибонлик уйига қўндоқунора мазкур институт ўқитувчилари, талабалар келиб турли тадбирларни ўтказишмоқда.

— Институт аҳлининг бизга кўрсатаётган олийҳимматининг қайси бирини айтишни ҳам билмайман — деди биз билан суҳбатда

Меҳрибонлик уйи директори Зулфия Анварова. — Стол-студан тортиб, ошхона жиҳозларига, кўрпа ёстиқ жилдидан то тиш ювиш мосламасигача, бир сўз билан айтганда, болаларга нима зарур бўлса, ҳаммасини муҳайё қилишди. Раҳмат уларга. Яқинда институт ректори бошчилигида ўқитувчилар, талабалар келиб ҳамма болаларга ўз кўллари билан бежирим спорт кийимларини кийгизиб қўйишганида уларнинг севинчини кўрсангиз эди.

Зулфия ош билан машғулотлар хонасини айланамиз.

— Мана бу 30 та комьютер ҳам институт жамоасининг тухфаси, — дейди опа. — Талабалар бўш қолди дегунча, бу ерга келиб болаларга компьютер сирларини ўргатишди, ҳатто айримлари ака-ўка, опа-сингил тутинишган. Бирор ҳафта келмай қолишса бор-




ми, болалар уларни соғиниб қолишди. Директор сўзини тугатмаган ҳам эдики, тарбиячилардан бири меҳмонлар келганини айтди. Институт проректори Даврон Аҳмедов бошчилигида жамоа вакиллари экан. Эҳ-хэ, талабаларнинг қўлида қутти-қутти совғалар. Турли-туман ширинликлар, музқаймоқча бор. Болалар овқатланадиган ошхона томонда ҳам улар нималаринидир ташишяпти. Қизиқсин-

дик. Чойнақ, пиёла, қошиқ, санчки, сочиқлар экан. Бирпас ўтиб ўйин кулгу бошланиб кетди. Болаларнинг севинганини кўриб юраклар қалқиди.

Меҳрибонлик уйидан қайтар эканмиз, бир фикр ҳаёлимда айланарди: машо-ийхларнинг айтишига қараганда, мурувват эшиги ҳеч қачон беркилмас экан...

**С. ҲАЙДАРОВ, Н. МУҲАММАДЖОНОВ (сурат) «Халқ сўзи» мухбирлари.**

Республика ҳукумати қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадларда Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган бўлиб, бу акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»и зиммасидаги масъулиятни янада кўчайтириб, унинг олдига янги-янги вазифаларни қўндаланг қўймоқда. Ана шу вазифалар эса илчил амалга оширилаётир.



## ТАДБИРКОРУ ФЕРМЕРЛАР МАНФААТИНИ КўЗЛАБ

Айниқса, «Пахтабанк» раҳбарияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожига амалий ёрдам беришда янги, қўлай ва самарали банк хизмати турларини жорий этиш йўлида тинимсиз изланишларни олиб бормоқда. Ушбу изланишларнинг натижаси ўлароқ, кейинги вақтда банк кредит маблағларини иқтисодиётнинг аниқ секторларига, хусусан, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириш сезиларли даражада кўчайди. Аниқроғи, банк кредит маблағлари асосан аҳоли учун зарур истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган замонавий технологияларни сотиб олишга ажратмоқда. Бу маблағларнинг белгиланган аниқ мақсадларга сарфланиши, қатъий наозат қилиб борилаётгани эса ўз навабатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сифатининг янада кенгайишига, минглаб янги иш ўринлари очилишига, нақд пул тушумларининг кўпайишига хизмат қилмоқда.

Амалга оширилаётган ана шу чора-тадбирлар туфайли «Пахтабанк» мижозлари кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлар ҳисобига кескин кўпайиб бормоқда. Фақат 2003 йилнинг ўзида улар сони 12119 тага ортиб, жами 71203 тага етди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика Кенгаши томонидан тасдиқланган йўналишларга асосан, банк ўтган йили ўз маблағлари ҳисобидан 12274 миллион сўм кредит ажратдиш лозим эди. Амалда 4661 та лойиҳа бўйича 12568,5 миллион сўм кредит берилиб, режа 120 фоиз бажарилди. Шунингдек, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағи ҳисобидан 2173 та лойиҳа бўйича ажратилган кредит бўлади. Сабаби, бемор фойдаланган ҳўжалик ашёлари сил микроблари билан зарарланади. Шунинг учун силга қарши тадбирларнинг энг асосийси беморларни барвақт аниқлаш, улар атрофдагиларнинг беҳатарлигини таъминлаш ва самарали даволашдир.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги сил-ларни лаборатория усули билан аниқлаш, беморларнинг дори-дармонларни ўз вақтида ичишни кузатиш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг андозаларига мувофиқ олиб борилаётган даволашнинг бориши ва натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, силга қарши даволашни ишлари бепул амалга оширилади. Хасталикнинг олдини олишнинг самарали усули — баданини чиқтириш, унинг касалликларга қарши кураш қобилиятини оширишдан иборатдир. Ҳозирги кунда силдан даволаш ва унинг олдини олишнинг барча имкониятлари мавжуд.

«Пахтабанк», шунингдек, республика ҳукуматининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини микрокредитлашга янада ривожлантиришга оид қарорларининг ижросини таъминлаш учун халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни тобора кенгайтирмоқда. Хусусан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан 7 миллион АҚШ доллари миқдорда тузилган шартнома юзасидан ажратилган 600 миң АҚШ доллари банкнинг Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қўқон ва Чилонзор филиаллари томонидан 2004 йил 1 январгача муваффақиятли ўзлаштирилди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, «Пахтабанк» ва Осие тарқиёт банки ўртасида микромолияшни ривожлантириш мақсадида 7,5 миллион АҚШ доллари миқдордаги лойиҳа битими имзоланди.

Президентнинг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, «Пахтабанк» фермер ҳўжалиқларини ривожлантиришга қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида қараб, уларни мо-

лиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини янада кўчайтирмоқда. Ҳозир республикада фаолият кўрсатаётган 85 миңдан зиёд фермер ҳўжалигининг қарий 70 фоизига «Пахтабанк» филиаллари хизмат кўрсатаётгани фикримизнинг далилидир. Хусусан, Халқаро тараққиёт ва тикланиш банкнинг қарзи доирасида «Қишлоқ ҳўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси бўйича «Пахтабанк» Молия вазирлиги ҳамда қишлоқ ҳўжалигини таркибий қайта тузиш агентлиги ўртасида тузилган келишув шартномаси асосида ушбу 600 миң АҚШ доллари қийматидаги маблағнинг унда иштирок этаётган туманларда ўзлаштирилишига эришди.

Шуниси диққатга сазоворки, ана шу 600 миң АҚШ доллари миқдордаги кредит асосан қишлоқ ҳўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун фермер ҳўжалиқларига берилди. Жумладан, фақат Нишон туманининг ўзида тўққизта фермер ҳўжалиги ва иккита муқобил МТПга мазкур мақсадлар учун жами 158539 миң сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шу йилдан бошлаб Андижон, Навоий ва Самарқанд вилоятларида фермер ҳўжалиқларининг давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла етиштириш харажатларини молиялаштиришнинг янги усули жорий этилади. Бунинг учун зарур бўладиган кредит маблағлари микдори аниқланиб, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жағмармасига тақдим қилинди. Бугунги кунгача юқоридаги вилоятларнинг фермер ҳўжалиқлари берган буортмаларга мувофиқ, январь-март ойлари учун жами 8560 миллион сўм, шу жумладан, пахта учун 7125 миллион, галла учун 1435 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Ўтган йили эса Бухоро,

Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шу йилдан бошлаб Андижон, Навоий ва Самарқанд вилоятларида фермер ҳўжалиқларининг давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла етиштириш харажатларини молиялаштиришнинг янги усули жорий этилади. Бунинг учун зарур бўладиган кредит маблағлари микдори аниқланиб, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жағмармасига тақдим қилинди. Бугунги кунгача юқоридаги вилоятларнинг фермер ҳўжалиқлари берган буортмаларга мувофиқ, январь-март ойлари учун жами 8560 миллион сўм, шу жумладан, пахта учун 7125 миллион, галла учун 1435 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Ўтган йили эса Бухоро,

Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шу йилдан бошлаб Андижон, Навоий ва Самарқанд вилоятларида фермер ҳўжалиқларининг давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла етиштириш харажатларини молиялаштиришнинг янги усули жорий этилади. Бунинг учун зарур бўладиган кредит маблағлари микдори аниқланиб, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жағмармасига тақдим қилинди. Бугунги кунгача юқоридаги вилоятларнинг фермер ҳўжалиқлари берган буортмаларга мувофиқ, январь-март ойлари учун жами 8560 миллион сўм, шу жумладан, пахта учун 7125 миллион, галла учун 1435 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Ўтган йили эса Бухоро,

200 йил _____ савдоларига АРИЗА № _____				
Ариза бериш вақти _____ соат/минут (тўлдирилиши шарт)				
Брокер	Харidor			
Брокерлик идораси № _____	Мижоз 2004 йил _____ даги шартнома-топшириқ № _____			
2004 йил _____ даги шартнома-топшириқ № _____				
Брокер реқвизитлари	Мижоз реқвизитлари			
Номи _____	Номи _____			
Брокер СТИРи _____	Мижоз СТИРи _____			
Брокер имзоси _____	Мижоз имзоси _____			
Товар номи _____				
Мижозлари (тонна)	Буйруқ тури	Битим валютаси	Етказиб бериш базиси (база, оғмор)	Комиссион йиғим (брокер тўлдирди)
	Бозор нарҳида харид қилиш	Сўм, Ўзбекистон		
Брокерлик идораси ҳисоботи _____	Аризанинг бажарилиши _____			
	(Брокер томонидан бажаришнинг ёки бажарилмаганлик сабаблари кўрсатилади)			
	Қирқин чизғи _____			
200 йил _____ даги Ариза № _____ бўлақчаси		(Брокерни назорат қилиш учун харидорга қолади)		
Товар номи _____	тонна миқдордаги буйруқни бажариш учун _____	Қабул қилинди соат/минут _____	Буйруқ тури: Бозор нарҳида харид қилиш _____	
Савдо сессияси давомида бажарилади (соатгача, минутгача) _____		Набатчи маклер ёки брокер фамилияси, исми, отасининг исми _____ (Имзо)		

### 24 март — Бутунжаҳон силга қарши кураш кун

Сил касаллиги, уни даволаш кейинги йилларда ер юзидagi дeяри хамма давлатларда долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Касаллик ўзининг муҳим оқибатлари — кишининг жисмоний фаоллигининг кескин пасайтириши, оила аъзолари ва бошқаларга юқиши, ижтимоий, иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши билан хавфлидир. Шу боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1996 йилдан бошлаб «Силга қарши кураш кун»ни белгиланган. Бундан мақсад жаҳон жамоатчилигининг эътиборини мазкур касалликнинг олдини олиш тадбирларига қаратиш, аҳоли ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб боришдир. Республикада сил касаллигининг олдини олиш чораларини янада кўчайтириш мақсадида «Аҳолини силдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам қабул қилинган.

Бу юқумли хасталик бўлиб, уни сил микробактерияси таркатади. У табиатда кенг тарқалган, одамларни, ҳайвонларни касаллантиради. Организмга кирган микробактериялар барча аъзоларга тарқатади, уларда сил ўчоқларини келтириб чиқаради. У асосан ўпкада кўпроқ ривожланади. Шунингдек, буйрақлар, суяклар, жинсий аъзолар, марказий асаб тизими, лимфа безлари, тери, кўз ва бошқа аъзолар ҳам касалланиши мумкин. Организмда хасталикка қарши курашувчи ош — иммунитет бўлса у баъзан микробларни йўқ қилиб ҳам юборади. Сил — сурункали кечадиган касаллик. Даво тадбирлари бошланган-

## Касал бўлмайдесангиз...

дан 1,5-2 ойдан кейин танадаги касаллик ўчоғи бекилиб, ташқарига микробларнинг чиқиши тўхтайдди. Бундай ҳолат атрофдагилар учун хавфли бўлмайди. Бемор аста-секин тузала бошлайди. Лекин у овқатланиш тартибини бузса, ҳали сил ўчоқларида ётган микроблар қайтадан кўзғалади. Агар қилиш ўзида сабабсиз йўтал, озиб кетиш, тез чарчаш, толиқиш, иштаҳанинг пасайиши, кечга яқин тана ҳароратининг 37-37,5 даражагача кўтарилиши, кўкрак соҳасида оғрик каби белгиларни кузатса, шифокорга, албатта, мурожаат қилиши керак. Бу хасталик билан оғриган беморлар оила аъзоларига касалликни юқтириш эҳтимоли кўп бўлади. Сабаби, бемор фойдаланган ҳўжалик ашёлари сил микроблари билан зарарланади. Шунинг учун силга қарши тадбирларнинг энг асосийси беморларни барвақт аниқлаш, улар атрофдагиларнинг беҳатарлигини таъминлаш ва самарали даволашдир. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги сил-

Узбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банкнинг Ҳозирлар билан ишлаш департаменти директори Бахтиёр Жумаевга оғиз

**Раиса ЖУМАЕВанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайъати ва жамоаси Андижон вилояти ҳокимияти молия бошқармаси бошлиғи Аҳмадullo Ҳамроқуллова волидан муҳтарамаси

**Омаҳчагон ҲАМРОҚУЛОВанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

Радиоалоқа, радиоэшиттириш, телевидение маркази ва Тошкент радиотелевидение узатиш маркази жамоалари Тош. РТУМ бош муҳандиси Абдулганн Мавлановга укаси

**Фаррух МАВЛАНОВнинг** вафот этганини сабабли таъзия изҳор этади.

Эдликкаъта туман ҳокимлиги меҳнат фахрийси Олимбой Примовга ўғли

**Бердимурод ПРИМОВнинг** вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХОАТБ «Алп Жамол Банк»и кенгаши ва жамоаси банк бошқаруви раиси Ҳамидулло Насруллоевга акаси

**Неъматилла ҲОҶИ ОТА НОСИРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон банклари ассоциацияси ХАТБ «Уқтам банк» кенгаши раиси

**Уқтам ТУРСУНОВнинг** вафот этганини муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва қариндошларига таъзия изҳор қилади.

**Омон МИРТАЗАЕВ, Республика Саломатлик институтининг директори, профессор.**

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болев (масъл котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъл котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саядов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақаар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини 601-рақам билан рўйхатга олинган.

Буортма Г-472 33413 нуқсала босилди, ҳажми — 2 тираж. Сабет усулида босилган.

Қозғ билими А-2

Газета ИВМ компьютерда терилди ва оператор Янине ГЮРАЕВ томонидан таърифланди.

Таҳрирдаги ҳажми 5 қолданг зид матбуотлар қабул қилинмайди.

П-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6

● **МАНЗИЛИМИЗ:**  
70000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.

Набатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.

Набатчи — М. Жохионов.

Мусаххия — М. Ёқубова.